

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЕСЕБАЕВ МАРАТ МАТЕКОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА МИФОЛОГИК МОТИВЛАР  
(ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**  
**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Есебаев Марат Матекович**

Қорақалпоқ халқ дostonларида мифологик мотивлар  
(эволюцияси ва типологияси) ..... 3

**Есебаев Марат Матекович**

Мифологические мотивы в каракалпакских народных эпосах  
(эволюция и типология) ..... 23

**Esebaev Marat Matekovich**

Mythological motives in the karakalpak folk eposes (evolution and  
typology) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЕСЕБАЕВ МАРАТ МАТЕКОВИЧ**

**КОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА МИФОЛОГИК МОТИВЛАР  
(ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil445 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ажииёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Алламбергенев Кенесбай</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Эшонкулов Жаппор Салиевич</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Палимбетов Камал Сарсенбаевич</b> филология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими</b> <b>Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «6» август соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кучаси, 5-уй. Тел.: (99871) 223-71-44, e-mail: [uztaf: @academy.uz](mailto:uztaf@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин ( 26 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел: (99871) 262-74-58 )

Диссертация автореферати 2021 йил «24 сентябр» да тарқатилди.  
(2021 йил «8» даги рақамли реестр баённомаси).



**Б. Тўхлиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Л.А. Худайкулова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Ш.Г. Турдимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида мифологиянинг бадий тафаккур тарихида тутган ўрнини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай халқ мифик қарашларининг ривожланиш даражаси фольклор асарларининг эволюциясида ўз аксини топишни аниқлашга қаратилган тадқиқотларнинг назарий хулосалари ҳар қандай эпик асар, жумладан эртақ ва дostonлар ўз таркибий тузилишига эга бўлиб, бунда мифологияга алоқадор архаик мотивлар муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Бинобарин, мифологиянинг изчил тараққий этиши натижасида шаклланган эпик сюжетлар узоқ ўтмишдаги бадий анъаналарни ўзида жамлаган маданий хазинадир. Шунинг учун ҳам фольклор асарлари ўзига хос бадий анъаналар тизими сифатида халқимизнинг умуминсонийлик ғояларини такомиллаштириб, келажакка умид, эзгулик, меҳр-саховат, ватанпарварлик билан боғлиқ миллий ва маънавий кадриятларни асраб-авайлашга хизмат қилиб келмоқда.

Дунё фольклоршунослигида эртақ ва дoston сюжетларининг генезисини киёсий-типологик ва структурал таҳлил методлари асосида тадқиқ этиш тамойилининг устуворлик қилиши натижасида бадий контекстнинг шаклланиши ва тадрижий ривож босқичларини аниқлаш имконияти янада кучайди. Фольклор асарларини структурал таҳлил қилиш орқали асар сюжетидаги анъанавий мотив ва образларнинг композицион функцияларини белгилаш бадий матнни морфологик жиҳатдан таҳлил қилишнинг етакчи тамойилларидан бири бўлиб, бадий тафаккурнинг тараққиёт қонуниятларини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Эпик асарлардаги қадимий мотивларнинг генезиси, бадий эволюцияси ва типологиясини тадқиқ этиш асосида уларнинг бадий-эстетик вазифаларини ёритиш ольклоршуносликдаги долзарб масалалардан биридир.

Миллий анъаналарни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш борасида изчил иш олиб борилаётган Янги Ўзбекистонда халқимизнинг энг қадимий кадриятларидан бири бўлган фольклор асарларини илмий тадқиқ қилиб ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, “адабиётга ва бадий санъатга, маданиятга эътибор – бу, энг аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”<sup>1</sup> демакдир. Ҳар бир миллатнинг тараққиётини таъминлайдиган маънавий қувват манбаи ҳисобланган фольклор асарларини чуқур таҳлил қилиш, айниқса, халқ эртақлари ва дostonларининг сюжетида сақланиб қолган архаик мотивларни мифопозтик нуқтаи назардан таҳлил қилиш халқ эпосининг генетик асосларини аниқлашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017-йил 13-сентябрдаги ПК-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муқтаҳкам пойдеворидир / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 4-август, 153 (6847)-сон.

бўйича комплекс чора тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 21 апрелдаги VMQ-228-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоёлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳаҳон фольклоршунослигида XIX аср охирларида келиб миф ва халқ оғзаки ижоди намуналарини янги илмий қонуниятлар ва методлар асосида тадқиқ этиш тамойили кучайди. Жумладан, В.Я.Пропп, Н.А.Кун, Ж.Ж.Фрэзер, Б.Путилов, Е.М.Мелетинский, В.М.Жирмунский, Э.Тайлор, М.И.Стеблин-Каменский, А.Афанасьев, О.М.Фрейденберг, К.Г.Юнг каби фольклоршунослар мифларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва шаклланишини чуқур ўрганишди.<sup>2</sup> Халқ эпосини тарихий-қийсий метод асосида таҳлил қилиш асосида ундаги мифик мотив ва образларнинг тарихий илдизларини аниқлашга қаратилган тадқиқотларда эпик асарларнинг энг кичик элементи бўлган мотивлар таҳлиliga таянилди.

Фольклорнинг афсона, ривоят, эртак ва достон каби эпик жанрларига мансуб асарларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос илмий талқинлари ўзбек фольклоршунослигида Х.Т.Зарипов, М.Саидов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Н.Маллаев, Ф.Жалолов, Б.Саримсақов, М.Жўраев, Б.Жуманиязов, Т.Рахмонов, Ж.Эшонқуловларнинг илмий тадқиқотларида,<sup>3</sup> козок

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Пропп В. Я. Мотив чудесного рождения / Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 237. Кун Н.А. Эйемги грециянц легендалары халк мифлери. – Нокис: Карақалпақстан, 1990. – Б. 3. Фрэзер Ж.Ж. Фольклор в Ветхом завете / Пер.с англ., 2-ое изд. Гл. 4. – М., 1985; Путилов Б. Мотив как сюжетобразующий элемент / Типологическое исследование по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С. 142. Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976; Жирмунский В. М. Тюркский героический эпос. – Л., 1974. – 723. Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Политическая литература, 1989. – С. 189; Стеблин-Каменский М. И. Миф. – Л., 1976. – 172 б.; Афанасьев А. Н. Живая вода и всеще слов. – М.: Советская Россия, 1988. – С. 39; Фрейденберг О. М. Миф и литература древности. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1978. – С. 19; Юнг К. Г. Архетип и символ. – СПб.: Ренессанс, 1991. – С. 81.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1974. – С.303. Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат масалалари. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 21.



фольклоршунослигида Ч.Ч.Валиханов, С.Қасқабает, Э.Қоңыратбаев каби олимларнинг илмий асарларида<sup>4</sup> ўз ифодасини топган.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида мифологик мотивлар Н.Даўқараев, И.Сағытов, М.Нурмухаммедов, Қ.Мақсетов, Қ.Камалов, С.Ахметов, С.Баҳадирова, А.Алымов, К.Алламбергенов, Қ.Мәмбетназаров, Ж.Хошаниязов, К.Палымбетов, Т.Керуенов каби олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ қилинган.<sup>5</sup>

Бизнинг бу қисқа таҳлил шуни кўрсатадики, мифологик мотивларнинг эволюцияси ва бадий тафаккур ривожидagi тутган ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли бу каби сюжет элементларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилган. Бу эса мифологик мотивларнинг генезиси, манбалари, эволюцияси, типологияси, поэтикаси ва эстетик вазифаларини янада чуқур ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги Тадқиқот Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қорақалпоқ халқ оғзаки бадий ижоди ва қорақалпоқ адабиёти тарихи”, “Ҳозирги давр филология назарияси ва методикасининг аҳамиятли масалалари” мавзусидаги илмий йўналишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқ достонларида мифологик мотивларнинг генезиси, эволюцияси, типологияси, поэтикаси, қадимги тарихий манбалари, образлар тизими, бадий эстетик функцияларини ва қонунийларини аниқлашдан иборат.

---

Афзалов, М. Ўзбек халқ эртаклари хақида – Тошкент: Фан, 1964. – 121 б, Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968; Имомов К. Сехрли эртаклар / Ўзбек фольклори очерклари – Тошкент, 1989. – 84 б.; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт санъати, 1974. – 98 б.; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976; Саринсақов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – 295 б; Жураев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2008. – 179 б.; Жуманизов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образ. Филол. фанлари номз. дис. автореф. – Тошкент, 1996. – Б.14; Рахмонов Т. Қадимги мифлар ўзбек фольклоридagi эпик мотивларнинг ўзгаи сифатида: Филол. фанлари номз. дис. автореф. – Тошкент, 1996. – Б.17; Эшонқулов Ж. Фольклор. образ ва талкин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б.4.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Валиханов Ч. Ч. Избранные произведения. – Алма-Ата, 1958. – 112 с; Қасқабает С. Қазақтың халық прозасы. – Алматы: Ғылым, 1984. – 67 б. Қасқабает С. Тандалмалы шығармалары – Астана: Фолиант, 2014. – 12 б, Қоңыратбаев Э. Қазақ эпосы және туркология. – Алматы: Ғылым, 1987. – 368 б.,

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Даўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис, 1977. – Б. 171-173; Сағитов И.Т. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – Б. 285; Нурмухаммедов М. А.С.Пушкиннің ертектери ҳам Орта Азия халықларының фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – Б. 29-30; Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем ауызеки доретпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – Б. 196; Камалов Қ. Қарақалпақ әдебиятында көркем методтың эволюцияси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – Б. 15; Ахметов С., Баҳадирова С. Фольклор терминлерининг қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 61-62; Алымов А. Қарақалпақ лиро-эпикалық дастанлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1983. – Б. 38; Алламбергенов К. «Ер Едиге», «Едиге» дастаны Алтын Орда ҳам Мауараунахр дәуири тарихының гейпара маселелери. – Нөкис: Билим, 2017. – Б. 103; Мәмбетназаров Қ. Қарақалпақ ертеклери хақында. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б. 11; Хошаниязов Ж. Миллий руухый дуньямыздың сагалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 29; Палымбетов К. Туркый халықлары ҳам әдебияты тарихы изертлениуининг әҳмиетли маселелери / Дастан, жырау, мастерство: халық аралық илмий теориялық конференция материаллары. – Нөкис, 2020. – Б. 32; Керуенов Т. Мифлер, аңызлардың қарақалпақ жазба әдебиятында қолланылуы. – Нөкис: Билим, 2013. – Б. 14.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ибтидоий одамларнинг илоҳиётга ишончи ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги ўй-хаёлларини шакллантирувчи манбаларни ўрганишда қадимги культ мифлари, тотемистик, манистик ва дуалистик мифларнинг туган ўрнини аниқлаш;

қорақалпоқ мифларининг қадимий манбалари, генезиси, шаклланиш йўллари ва эволюциясини ойдинлаштириш;

архаик мифология, хусусан, тотемистик мифларнинг афсона, эртак ва дoston каби қорақалпоқ халқ оғзаки бадий ижодидаги эпик талқинларини аниқлаш;

мифологик мотивларнинг эпик жанрларга диффузияланиш ҳодисасини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш;

мифологик мотивларнинг қорақалпоқ дostonларининг сюжет тизимидаги ўрнини туркий халқлар эпик анъанасидаги муштаракликлар контекстида қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Едиге», «Қырық қыз», «Алпамыс», «Қоблан», «Маспатша», «Бозуғлан», «Қараман» ва «Гүлнэхэр» каби қорақалпоқ дostonлари, «Қорақалпоқ фольклори» кўптомлягида чоп этилган халқ оғзаки ижоди асарлари, шунингдек, эртак ва афсоналар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни қорақалпоқ халқ дostonларидаги мифологик мотивларнинг қадимий манбалари, генезиси, фольклор жанрларига диффузияланиш жараёни, типологияси, поэтикаси ва бадий эстетик вазифалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини очиб беришда қиёсий-типологик, тарихий-генетик, структурал-типологик ва бадий-эстетик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:**

қорақалпоқ халқ дostonларидаги мифологик мотивларнинг қадимий манбалари ва тарихий асосларини ойдинлаштириш натижасида эпик сюжет элементларининг архаик қатлами аниқланган ҳамда мифологик мотивларнинг қахрамонлик дostonларини шакллантирувчи бадий асос вазифасини бажарганлиги далилланган;

мифологик мотивларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва халқ оғзаки ижодининг афсона, эртак, дoston каби жанрларига диффузияланиши жараёнида архаик фольклорга хос мифопоэтик кодлар бадий-эстетик тимсол ва образларга айланганлиги аниқланган;

қадимги мифлар ва архетипик образларнинг бадий тафаккур тараққиёти давомидаги тадрижий тақомили ва эпик талқинлари қорақалпоқ халқ оғзаки бадий ижодидаги мифологик персонажлар тизимининг вужудга келишига асос бўлганлиги исботланган;

қорақалпоқ халқ дostonларида учрайдиган димниург хусусиятига эга мифологик образларнинг генетик асослари ажодларимизнинг оламнинг яралиши ҳақидаги мифологик тасаввурлари ва космогоник қарашлари билан боғлиқлиги асослаб берилган.



### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

аждоқларимизнинг зооморфик ва антропоморфик шаклдаги мифологик персонажлар билан боғлиқ қарашлари, яратувчи қаҳрамонлар образининг мифологик табиати ва бадий-эстетик функциялари очиб берилган;

қадимги тотемистик миф сюжетлари ва асотирий образларининг афсона, эртақ ва дostonларга эпик диффузия воситасида сингиши ва уларнинг бадий вазифаси ёритилган;

туркий халқлар эпослари билан қорақалпоқ халқ дostonлари сюжет тизимидаги мифологик мотивларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари аниқланган;

халқ дostonлари сюжетидаги мифологик мотивларнинг бадий шакли ва поэтик ифодасида қадимги давр фольклорига хос эпик таққинларнинг излари сақланиб қолганлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** муаммонинг аниқлиги, келтирилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, тарихий-генетик, структурал таҳлил усулларига асосланганлиги, мифологик мотивларнинг қадимги ва тарихий манбаларини, генезисини тадқиқ қилишда назарий қарашлар ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилиниши, структурал таҳлил усулларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда дostonлардаги мифологик мотивларнинг эволюцияси ва типологияси қорақалпоқ халқ дostonлари мисолида ўрганилган. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мифологик мотивларнинг генезиси, эволюцияси, типологияси, архаик мифлар ва архитеп образларнинг дostonлар сюжетидаги диффузияси илмий-назарий таҳлил қилинганлиги, қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди, болалар адабиёти фанларининг мазмунини тадқиқ қилиш натижалари асосида бойитилганлиги билан асосланади.

Илмий тадқиқотнинг амалий натижалари тадқиқот материаллари «Халқ оғзаки ижоди» фанидан маъруза тайёрлашда ва магистратура бўлимида «Мифология» олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар мазмунини такомиллаштириш ва тўлдириш имконини яратади. Диссертация материалларидан келажакда халқ оғзаки ижодини ўрганишда, олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг янги авлодини яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ халқ дostonларидаги мифологик мотивларнинг генезиси, эволюцияси ва типологияси, шунингдек, мифологик образларнинг тарихий-генетик асослари ва бадий-эстетик вазифаларини аниқлашга қаратилган тадқиқот бўйича эришилган натижалар асосида:

халқ дostonларидаги мифологик мотивларнинг манбалари, шаклланиши ва тадрижий тараққиётига доир илмий хулосалардан ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш»

(2012-2016) йўналишларидаги фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 11 ноябрдаги 240/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ халқ дostonларидаги анъанавий мотивларнинг қадимий қатлами ўзининг архаик фольклорга хос хусусиятларни сақлаб қолганлиги ҳақидаги илмий хулосалар асосида халқ эпосининг генезиси ва эволюцияси босқичларини янги материаллар асосида ўрганишга эришилган;

қадимги мифологиядаги архетипик тимсолларнинг тадрижий ривожини ва эпик диффузияси натижасида қорақалпоқ халқ оғзаки бадий ижодидаги мифологик образлар силсиласи шаклланиши ҳақидаги хулосаларидан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослигидаги ва адабиётшунослигидаги тарихни тадқиқ қилиш» илмий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 11 ноябрдаги 240/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ мифологияси ва мифик мотивларнинг фольклоршуносликда ўрганилишига доир янги материаллар илмий муаомалага киритилган.

мифологик мотивларнинг шаклланиши тарихи, бадий такомил ва халқ оғзаки ижодининг афсона, эртак, дoston каби жанрларидаги эпик талқинларига доир илмий натижалар Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактаблари, таълим тизимида қўлланилиб, яхши самарадорликка эришилган, 7, 8, 10-синфларда қорақалпоқ адабиёти дарсликларида ўқувчиларга дарсликлар мазмунини мустаҳкамлашда амалий ёрдам берган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020-йил 11-ноябрдаги 01-01/10-0663-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ фольклорига тегишли мавзулар мазмуни ёритилган ўқув қўлланмалари ва дарсликларда халқ дostonларининг тарихий илдиzlари ва поэтик табиатига доир янги илмий қарашларнинг ўқув амалиётига жорий қилинишига эришилган;

халқ дostonлари сюжетининг қадимий илдиzlари архаик мифологияга бориб тақалишига доир илмий қарашлар Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва Маданияти давлат музейида ташкил этилган «Қорақалпоқ халқ дostonларида мифологик мотивлар» номли адабий-тарихий кўргазма доирасида ўтказилган суҳбатлар ва маърузаларда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 208-сонли маълумотномаси). Натижада тадқиқот материаллари намунавий дастур асосида Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва Маданияти давлат музейининг экскурсия маърузаларини бойитишга эришилган ҳамда тарихий манбаларни бадий-эстетик нуқтаи-назардан талқин қилиш ва шу орқали давр ҳақиқатини очиб бериш имконини берган;

қорақалпоқ халқ афсона, эртак ва дostonларидаги мифологик мотивларнинг ўзига хос хусусиятларига доир илмий-таҳлилий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Адабиёт бўстони» кўрсатуви ҳамда «Адабиёт ва давр», «Мерос», «Халқ дурдонасидан» эшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган

(Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 12 ноябрдаги 01-02/223-сон маълумотномаси). Натижада ёшларда миллий маънавий кадрятларга ҳурматни шакллантириб, уларни ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш ва миллий истиклол ғоялари руҳида тарбиялаш билан боғлиқ тарғибот ишининг кўлами кенгайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 19 та илмий конференция, шундан 5 та халқаро ва 14 та республика миқёсидаги илмий назарий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация бўйича жами 31 илмий мақола нашр қилинган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини эълон қилиш тавсия қилинган илмий журналлар 8 та мақола, шундан 5 та республика ҳамда 3 та хорижий илмий журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 167 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби, «**Халқ дostonларида мифологик мотивлар эволюцияси**» деб номланиб, унинг биринчи фасли «**Миф, унинг эволюцияси ва диффузияси масалалари**»ни ўрганишга қаратилган. Миф одамзод жамиятининг энг қадимги даврларига оид бўлиб, унда атроф-муҳит, олам ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар келтирилган.

«Миф» сўзи қадимги грек тилидан олинган бўлиб, «ривоят», «афсона» деган маънони англатади. Қадимги даврда одамларнинг табиат ҳодисалари сирини тушунмаганликлари боис, уларга илоҳий куч сифатида қарашган. Миф табиат билан одамлар орасидаги муносабат асосида қурилади, табиатнинг инсонга нисбатан англаб бўлмайдиган кучини ажойиб образлар, худоларнинг номлари билан боғланади. Ҳар бир миф – ибтидоий одамнинг ўзини атроф-муҳит, табиат, ер, сув, ҳайвонларнинг қаердан келиб чиққанлиги ҳақида ўзлари ўйлаб топган фикрлари, осмон ёритқичлари – қуёш, ой, юлдузлар, шунингдек, сув, олов, ер, табиат ҳодисалари ҳақидаги эътиқодий қарашлари ифодасидир. Уларнинг ҳар бирини одам ўз турмушига яқинлаштириб ва ажойиб ҳаёлий уйдирмалар билан бойитган».<sup>6</sup>

<sup>6</sup> Ахметов С., Бахадырова С. Фольклор терминлериниң қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1961. – 62 б.

Мана шундай мифларнинг келиб чиқиши тўғрисида Н.Дәўқараев<sup>7</sup>, Қ.Мақсетов<sup>8</sup>, М.И.Стеблин Каменский<sup>9</sup>, С.Қасқабасов<sup>10</sup>, М.Жураевлар<sup>11</sup> илмий тадқиқот олиб боришган.

Оламнинг яратилиши ҳақидаги мифлар Н.Кун, Ж.Ж.Фрезер, Н.А.Афанасьев, В.Я.Пропп каби олимлар тарафидан жиддий таҳлил қилинган<sup>12</sup>. Дунёнинг яратилиши тўғрисидаги фикрлар «Қуръони карим»да ҳам мавжуд бўлиб, муқаддас китобнинг мўтабар сура ва оятларида одам ва оламнинг пайдо бўлиши ҳақида батафсил маълумотлар баён этилади. Мана шу эътиқодий инончлар асосида фольклорда дунёнинг пайдо бўлиши, ер юзида тирикчиликнинг қандай юзага келгани, одамларнинг қаердан келиб чиқгани тўғрисида турли миф ва афсоналар яратилган.

Қадимги аждодларимиз одамнинг туғилиши биологик насл қолдириш эҳтиёжи туфайли рўй беришининг илмий асосларини тушунмаганликдан қуёш нури, ой, шамол эсиши, денгизнинг кўпиги, ҳар хил мевалар фарзанд туғилишига сабаб бўлади, деб ишонишган.

Фольклордаги ғайритабиий туғилиш мотивининг генезиси ва эпик талқинлари борасида В.Я. Пропп<sup>13</sup>, В.М. Жирмунский<sup>14</sup> каби олимларнинг, дунёнинг яратилиши ва илк одамнинг пайдо бўлиши ҳақида Н.Маллаевнинг<sup>15</sup> кизиқарли фикрлари мавжуд. Масалан, Қаямарс, Хушанг, Тахмурас ва Жамшид тўғрисидаги асотирлар биринчи инсон ва унинг зурриёди ҳақидаги мифлар сифатида юзага келган. К.Мамбетовнинг<sup>16</sup> ишларида таъкидланишича, қорақалпоқ ривоятларида Оллоҳ таоло ердан тупроқ олиб келиш учун ўз фаришталари бўлган Азройил алайҳиссаломни юборди ва ердан тупроқ олиб қайтди. Бу тупроқдан Оллоҳ таоло одамзодни яратганлиги баён қилинган.

Қорақалпоқ афсоналарида қадимги аждодларимиз одам туғилиши сабаблари ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчалари тўла сақланиб қолмаган. Шундай бўлса-да, афсоналарида кўпинча тотем-аждодлар култи (зоомифологик культлар), табиат культлари (қуёш, сув), ота-боболар култи, сўзнинг сеҳрли таъсири, шунингдек, мусулмон дини билан боғлиқ бўлган қароматли туғилиш мотивлари ўрин олган.

Мана шундай қадимий архаик кўринишга эга бўлган мифологик персонажлар ўзининг ярим ёввойи қиёфаси билан хоҳдаса учиб юрадиган, қаҳри келганда дунёни остин-устун қила оладиган қуч-қудратга эга бўлган,

<sup>7</sup> Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис, 1977. – Б. 171-173;

<sup>8</sup> Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аңызкеи доретпелери. – Нөкис Билим, 1996. – 196 б.

<sup>9</sup> Стеблин Каменский М. И. Миф. – Л., 1976. – 172 б.

<sup>10</sup> Қасқабасов С. Таңдамалы шығармалары. – Астана: Фолиант, 2014. – 3-4 б.

<sup>11</sup> Жураев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент, 2008. – Б. 8-9.

<sup>12</sup> Кун Н.А. Эйфемги грецияның легендалары хэм мифлери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990, Фрезер Ж.Ж. Фольклор в Ветхом завете / Пер. с англ., 2-ое изд. Гл. 4. – М., 1985; Афанасьев А. Н. Живая вода и вешие слова. – М.: Советская Россия, 1988. – С. 39; Пропп В.Я. Мотив чудесного рождения / Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 237.

<sup>13</sup> Пропп В.Я. Мотив чудесного рождения / Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 237.

<sup>14</sup> Жирмунский В. М. Тюркский героический эпос. – Л., 1974. – 723.

<sup>15</sup> Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодисти. – Тошкент: Адабиёт санъати, 1974. – Б. 98.

<sup>16</sup> Мамбетов К. Қарақалпақлар шежиреси. – Нөкис: Билим, 1993. – Б. 11.



шунингдек, одамхўр сифатида гавдаланади. Мана шундай мифик персонажлардан бири «дев» ҳисобланади. Дев образи Ўрта Осиё халқлари фольклоридаги архетипик персонажлар сирасига киради. «Архетип» сўзи аслида юнонча бўлиб, «энг аввалги биринчи образ» маъносини англатади. Бу термин фанга илк бор швейцариялик олим К.Г.Юнг томонидан киритилган. Унинг ёзишича, «миф ижодкорлик борасида архетипларнинг образга ўтишидан бошқа нарса эмас»<sup>17</sup>. Дев образи қадимги мифологик кўрнинидаги энг биринчи архетипик образлардан бири бўлиб, у ўтмишда яратилган ёзма манбаларда, жумладан, «Авесто» да ўз аксини топган.

Туркий халқларнинг оғзаки бадиий адабиётида халқ оғзаки ижоди таъсирида кўплаб ғайритабий мифологик образлар шаклланган. Шу жумладан, туркий мифологиянинг қадимий архетипик персонажларидан бири халқ эртакларида бир кўзли одам кўринишида тасвирланишда давом этган. Масалан, қозоқ халқининг «Қариндош икки йигит» эртагида бир кўзли дев образининг эпик талқини мавжуд. Мана шундай ғайритабий қадимги архаик мифология элементлари қорақалпоқ халқ эртакларида ҳам учрайди. Масалан: «Жонсап» эртагида тасвирланишича, қаҳрамон сафарда юганида «ярим бош, пешонасида ёлғиз кўзи бор, ярим оёқ одамлар буларни айланиб ўраб олади»<sup>18</sup>. Эرتак баёнидан келиб чиқиб бир кўзли девнинг қиёфасига баҳо берадиган бўлсак, унинг тарихий асослари қадимги архаик давр фольклорига бориб тақалади. Бу каби эرتак сюжетларида қадимги одамнинг яратилиши ва илк инсонларнинг бир кўзли бўлганлиги ҳақидаги қадимги мифологик тасавурлар ўз ифодасини топган.

Мана шундай архаик мифологияга мансуб анъанавий мотив ва образлар «Алпомиш», «Едиге», «Қоблан», «Қирқ қиз» «Маспатша», «Қараман» дostonларининг сюжетидан ҳам ўрин олганлигини кўришимиз мумкин. Масалан: «Едиге» дostonида ғайритабий кўринишга эга бўлган мифопозтик образнинг қуйидаги тасвири мавжуд:

Оёқлари маладай,                      Боши тўрда ётир,  
Қулоқлари қалқондай,              Оёғи эшикка етаётир...<sup>19</sup>

Умуман олганда, дунёнинг яралиши ва ундаги моддий мавжудликнинг вужудга келиши ҳақидаги қадимги космогоник тасавурларнинг турли кўринишлари архаик мифологияга мансуб образлар талқинида ўз ифодасини топган. Бу мифологик қарашлар кейинчалик халқ оғзаки ижодининг афсона, эртак ва дoston каби жанрларига диффузиялашиб, маълум ўзгаришларга учраган ҳолда эпик талқин қилинган. Шундай қилиб, архетипик образларнинг мифологик моҳияти бадиий тафаккур тараққиёти давомида сайқалланиб, эволюцион ривожланиш босқичларини босиб ўтиши натижасида функционал-семантик ўзгаришга учраган: қадимги мифологияда борлик оламдаги нарса-ҳодисалар сабабини тушунтириш, изоҳлаш мақсадида юзага келган архетипик тимсоллар фольклор асарларида тингловчиға

<sup>17</sup> Юнг К. Г. Архетип и символ. – СПб.: Ренессанс, 1991. – С. 81.

<sup>18</sup> Қарақалпақ халқ эртектери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – Б. 46-47.

<sup>19</sup> Едиге дostonи. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990. – Б. 24

бадий-эстетик завқ берадиган, унинг маънавий талабларини қондиришга хизмат қиладиган поэтик образга айланган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Мифларнинг эртақ ва дostonлар билан диффузияси (қорақалпоқ халқ дostonлари мисолида)» деб номланади.

Дostonлар шаклланишининг энг қадимги босқичидаги жанрнинг тақомилига асос бўлган манбалар сифатида миф ва эртақларни қуришимиз мумкин. Мифлар халқ оғзаки ижодининг ривожланишига, унинг бадийлик даражаси ошишига хизмат қилиб, бадий тафаккур ривожидавомида фольклорнинг турли жанрларига сингиб, уйғунлашиб кетган. Мана шу асосда мифлар халқ дostonлари сюжет тизимининг юзага келиши ва шаклланишида ҳам иштирок этган бўлиб, дostonларнинг бадий муқаммал эпик асар сифатида ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Халқ дostonлари сюжетининг келиб чиқишида кўпинча мифологик эпос талқинлари, эртақ мотивлари ва сюжетлари асос бўлиб хизмат қилган. Фольклордаги эпик жанрларнинг миф билан ўзаро яқин алоқаси ҳақида фольклоршуносликда кўпгина фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, В.Я.Пропп «рус билиналарининг энг дастлабки босқичини давлатчиликкача бўлган давр эпоси деб ҳисоблайди ва ўша даврга мансуб билиналар рус халқ эпосининг классик асарлари эканлигини таъкидлайди»<sup>20</sup>. В.М.Жирмунский «қаҳрамонлик дostonларининг юзага келишига ботирлик эртақлари асос бўлган»,<sup>21</sup> деб билади. Е.М.Мелетинский эса «миф эртақка трансформация бўлган»лигини қайд этади.<sup>22</sup> Н.Даўқараев бу ҳақда: «эртақлар жуда қадим замонларда мавжуд бўлган бўлиб, уларнинг баъзилари тарихдан олдин пайдо бўлган», деб ёзади.<sup>23</sup> С.Баҳадирова бу масалага бошқача ёндашиб, «дostonнинг сюжет мазмунида «Гулойим» эртагининг асос бўлганлигини айтиб ўтади»<sup>24</sup>. М.Нурмухаммедов эртақ сюжетининг дostonга асос бўлишидан иборат ижодий жараён «Ўрта Осиё халқлари фольклорига хослигини таъкидлаб, «Шаръяр» дostonи сюжетини ғарб – шарқда кенг тарқалган «Олтин ва кумуш сочли бола» ҳақида эртақ билан боғлайди»<sup>25</sup>. Гувоҳи бўлганимиздек, эртақлар аслида қадимги одамни дунёни тушунишга бўлган қизиқиш-интилишлари ифодаси сифатида юзага келган. Шу асосда мифлар эртақлар орқали дostonларга ҳам кўчиб, турли хил архетипик образ ва мотивлар тарзида эпик сюжетлар тизимидан мустақкам ўрин олиб дostonларнинг бадий камолотига хизмат қилган. Қорақалпоқ фольклоридagi кўпгина дostonлар сюжетининг келиб чиқишига мифологик тасаввурлар эволюцияси натижасида шаклланган қадимий эртақ мотивлари ва архетипик сюжетлар асос бўлган. Масалан, «Жансап», «Алибек ботир»

<sup>20</sup> Пропп В.Я. Русский героический эпос. – М – Л., 1958 – С. 40-50

<sup>21</sup> Жирмунский В. М. Тюркский героический эпос. – Л., 1974. – С. 222.

<sup>22</sup> Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976 – Б. 177.

<sup>23</sup> Даўқараев Н. Шығармаларынын толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977 – Б. 171

<sup>24</sup> Камалов. Қ. Қарақалпақ әдебиятында көркем методтың эволюциясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – Б. 16.

<sup>25</sup> Нурмухаммедов М. А.С.Пушкиннің ертеклери хэм Орта Азия халықларының фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – Б. 29-32.



каби қорақалпоқ халқ эртаклари ҳамда «Ғулиқаҳқаҳ», «Соҳибқирон ва Соҳибжамол» сингари ўзбек халқ эртаклари билан «Шарьяр», «Мунглик-Зарлик», «Қараман», «Едиге» дostonларининг мазмуни бир-бирига жуда ўхшашлигининг сабаби ҳам бу эпосларнинг сюжети кадимий эртаклар асосида юзага келганлигини кўрсатади.

Қадимги мифологик тасаввулар махсули ўлароқ вужудга келган ярим одам, ярим дев қиёфасидаги архетипик образ гарчи халқ дostonларида антропоморф шаклда, яъни одам кўринишида тасвирланса-да, ўзининг ғайритабиий сеҳрли-магик кучга эгалиги билан реал ҳаётдаги ҳақиқий одамдан кескин фарқ қилади. Эпослардаги бизгача етиб келган дев образи архетипик персонажнинг маълум даражада «маданийлашган» талқинидир. Ўзбек фольклоршунос олими Ж.Эшонқулов тўғри кайд этганидек, «девлар энг аввало йиртқич қиёфада намоён бўлиб, кейинчалик одамзод маданийлашгани сайин девларнинг ҳам кўриниши маданийлаша бошлаган». <sup>26</sup> Дарҳақиқат, халқ дostonларида дев образи ўзининг мифологик архетипига хос йиртқичлик хусусиятига эга эмас, яъни анча маданийлашган шаклда гавдаланади. Ҳаттоки баъзи дostonларда девлар бутунлай одам қиёфасига эга. Масалан: «Қоблан», дostonидаги Алангғасар Алп дев, «Едиге» дostonидаги Қаратийин Алп дев ва ҳ.к. персонажлар худди реал одамлар каби тасвирланади. Профессор И.Т.Сағитов бу ҳақда шундай дейди: «Алангғасар Алп дев, Бўка дев ва яна бошқа девларнинг фақатгина «дев» деган номи бўлмаса, реал одамлар образидан ҳеч қандай фарқи йўқ» <sup>27</sup>.

Дарҳақиқат, «Едиге» дostonида Қора Тийин Алп дев қиёфасида одамларга хос инсонийлик хусусиятлари ўз аксини топади. У баъзида подшо Сатемнинг қизи Оқбиланик мажбуран билан тортиб олган зуравон, ҳатто, ўн етти хоннинг элини талаб, вайрон қилган ёвуз босқинчи сифатида тасвирланса-да, дostonнинг бошқа бир ўринларида унинг Едигедан кўркиб ўзга юртга кўчиб кетиши лавҳасида оддий бир одам қиёфасида гавдалантирилади.

Шундай қилиб, мифларнинг бирламчи моҳияти ва структурал-семантик функцияси диффузияга учраши, яъни вақт ўтиши билан муайян ўзгаришга учраган ҳолда халқ оғзаки ижодига сингиб кетиб, уйғунлашиши жараёнини таҳлил қилиш қорақалпоқ афсона, эртак ва дostonлари сюжетининг тарихий-генетик илдиэларини аниқлаш имконини бериши беради.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Халқ дostonларида мифологик мотивлар ва образлар типологияси» деб номланади. Унинг биринчи фасли «Халқ дostonлари сюжетида мифологик мотивлар типологияси»ни ўрганишга бағишланган. Қорақалпоқ эпосларининг қозоқ, ўзбек, қирғиз, татар, бошқирд, олтой ва бошқа халқларнинг ҳам эпослари билан типологик ўхшашлиги, аввало эпос асарнинг ғоявий мазмунидан халқ ботириларининг образини тасвирлаш усулининг унинг ватанпарварлиги, ўз ватани, ўз мустақиллиги учун чет эл босқинчиларига қарши курашини тасвирлаш

<sup>26</sup> Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорини деб образининг асослари ва бадий талқини. Филол. фанлари номи... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – 15 б.

<sup>27</sup> Сағитов И.Т. Қарақалпоқ қалқынның қаҳарманлық эпосы. – Некис: Қарақалпоқстан, 1986. – 163 б.

орқали намоён бўлади. Эпосларнинг типологик яқинлиги, ўхшашлигига кишилиқ жамияти тарихий ривожланиш жараёнларининг умумийлиги сабаб бўлиши мумкин, бироқ, халқларнинг бир-бири билан муносабати натижасида бир халқнинг маданияти ва бадий санъатини ўзлаштиришнинг, яъни шунга ўхшаш версиясиз яратилиши натижасини ҳам кўришимиз мумкин. Эпосларнинг ўхшаш бўлиши уларнинг қадим замонларда умумий бир асосдан келиб чиққанлиги, яъни уларнинг тарихий илдизлари муштараклидан далолат беради.

Қорақалпоқ эпосларидаги мифологик элементлар ҳам қадимги туркийларнинг архаик фольклори таъсирида юзага келиб, эпос таркибига сингиб кетган. Халқ дostonларининг туркий, жумладан, қозоқ, ўзбек, татар, бошқирд, қирғиз версияларининг сюжет қурилишида ана шундай мифологик мотивларнинг типологик муштараклиги кузатилади. Хусусан, «Едиге» дostonининг миллий версияларида ўхшаш эпик талқинлар кўп учрайди.

**Татарча «Идегэй»:**

Син да тудың пәридән.

Мин дә тудым пәридән,

Аганды атып үтердиң,

Ялғыз калдың, Идегэй!...<sup>28</sup>

**Қорақалпақча «Едиге»:**

Сен нўғайда, мен бунда.

Сен ҳам тўғилган паридан

Мен ҳам тугилган паридан.

Жалғыз қалдың сен деди...<sup>29</sup>

Қаҳрамонлик дostonларида асосан туш мотиви алоҳида ўрин эгаллаб, дoston воқеаларининг ривожини ана шу мотив орқали бошланади. Худодан фарзанд тилаб қабристонга келган қаҳрамон кўп йўл юриб чарчагани сабабли ҳолдан тойиб, уйкуга кетади. Шу ерда унинг тушига Хизр ота кириб, фарзандли бўлажаклиги ҳақида хабар беради. Ушбу туш мотивининг дoston сюжет тизимидаги бошқа мотивлар билан семантик жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги туфайли воқеалар ривожланиб боради. Демак, дoston версияларининг мазмуний қамрови ва асосий йўналиши бир хил бўлса-да, мифологик мотивлар эпик аънананинг миллий табиати билан боғлиқ ҳолда ўзига хос тарзда талқин қилиниши кузатилади.

Қорақалпоқ халқи ўзининг тарихий тараққиёти ва ривожланиши жараёнида бошқа туркий халқлар билан ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарихий-этномаданий жиҳатдан яқин алоқада бўлиб келган. Шу сабабли бошқа туркий халқларнинг ўхшаш урф-одат ва аънаналари қорақалпоқ халқ дostonларидан кенг ўрин олган. Ушбу урф-одатлар орқали шакланган ватанпарварлик гоёлари халқ дostonларига сингдирилган. Диссертацияда қардош туркий халқлар эпик аънарасининг бир-бирига яқинлиги, халқ дostonларини яратиш усулларининг муштараклиги, эпик сюжет ва мотивлар тизимининг тарихий-генетик жиҳатдан ўзаро муштарак негизга бориб тақалиши, эпик қаҳрамон образининг типологик ўхшашлиги мисолида очиб берилди.

<sup>28</sup> Идегэй. Татар халқ дастаны: төзүче-мөхәррире Гыйльманов Г. – Казань, 1994. – Б. 98-99.

<sup>29</sup> «Едиге» дастаны. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990. – Б. 210-211.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «Мифологик мотивларнинг дostonдаги қахрамон образини яратишдаги ахамияти ва мифологик образлар типологияси» деб номланади. Маълумки, эпослар узоқ тарихий жараёни ўзида акс эттирганлиги боис халқнинг узоқ тарихий йўли, турмуш тарзи, урф-одатлари, ички ва ташқи душманларга қарши қахрамонона кураши ҳам ушбу образлар орқали ёрқин гавдаланади. Дostonлар сюжетига эътибор берилса, кўп ҳолатларда фарзанд туғилиши илоҳий, руҳий куч билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Жумладан, ижодкорлар дoston қахрамонини илоҳиёт билан боғлаш учун унинг ота-онасини қабристонда тунатадилар ва фарзандлик бўлиш каромати ҳам уларнинг тушида аён бўлади.

Халқ дostonлари сюжетига эпик қахрамоннинг ғайритабиий ёки мифологик туғилиши мотиви кенг ўрин олганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Проф. Ж.Эшонкулов таъкидича: «қахрамон-алпнинг туғилиши мотивида, бир томондан унинг қудратли кучлар билан алоқаси ҳақида сўз юритилса, иккинчидан, у ўз шажарасининг давомчиси ҳисобланади».<sup>30</sup> Демак, қахрамон образини яратишда ижрочилар унинг илоҳий кучга эга бўлиши, хоҳлаган кучга, хоҳлаган ёвга қарши қатъий туриб кураша олиши, яъни халқ орзуси, ҳаёлидаги қахрамон образини яратишда ушбу қудратлилик тимсолига таянганликларини ўзига хос тасвир усули сифатида таъкидлаш мумкин.

Фикримиз далили сифатида дев образи билан боғлиқ эпик мотивларнинг ўхшаш жиҳатларини қиёслаймиз:

**«Қобланды»да:**

Ҳанжар юзи кесилди,  
Шар билан юзи етилди,  
Айни пешин вақтида,  
Бўка девнинг калласин.<sup>31</sup>

**«Қобланды батыр»да:**

Сонда турып басады,  
Шарайнаға қарамай,  
Атқан оғы өтеди,  
Қалмақтың басы бөлинди.<sup>32</sup>

«Малика айёр» номли ўзбек халқ дostonидаги дев ва қахрамон образининг эпик талқини қорақалпоқ фольклорига «Маспатша» дostonидаги дев билан жанг лавҳасига жуда ўхшашдир:

**«Малика айёр»да:**

Қон тўқар майдон ичида,  
Атрофни олиб душман,  
Девлар от солиб ул замон,  
Шу сифатда қаландархан,  
Қон тўқар майдон ичида.<sup>33</sup>

**«Маспатша»да:**

Дәуде қалқан тутады,  
Қалқанға амут тийгенде,  
Дәудинң бели бүгилди,  
Қолындағы қалқаны,  
Төрт парра болып бөлинди.<sup>34</sup>

Қорақалпоқ дostonларининг қозоқ, ўзбек ва бошқа халқлар эпослари билан ўхшашлиги, аввало, эпик асарларнинг гоёвий мазмунидан келиб чиқиб, қахрамонлар образини яратиш усулларининг ватанпарварлик гоёлари билан суғорилгани, эл-юрт озодлиги ва мустақиллиги учун ташқи душманларга қарши курашида намоён бўлишини кўрсатади.

<sup>30</sup> Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклори туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фаң, 2011. – Б. 177.

<sup>31</sup> «Қобланды» дастаны. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б. 98.

<sup>32</sup> Батырлар жыры. Қыдырбайдың улы Қобланды. – Алматы: Жазушы, 1990. – Б. 46.

<sup>33</sup> «Маликий айёр» дастаны. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 204-205.

<sup>34</sup> «Маспатша» дастаны. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982. – Т. X. – Б. 159.

Диссертациянинг учинчи боби «Халқ дostonларидаги мифологик мотивлар ва образларнинг вазифаси» деб номланади. Бобнинг биринчи фасли «Мифологик мотивларнинг дoston сюжетигади бадий вазифаси» деб аталади. Маълумки, халқ дostonларини ижро этувчилар анъанавий эпик сюжетни ўзининг бадиҳағўйлик иктидори доирасида ишлаш жараёнида турли хил бадий воситалар ҳамда компонентлардан маҳорат билан фойдаланиб, дostonнинг бадий қимматини янада ошириб, шу орқали асарнинг бадий-эстетик моҳиятини теранлаштиришга эришганлар.

Шунингдек, жировлар баён этилаётган воқеани ўзига хос тарзда эпик талкин қилиш орқали шеъринг парчаларни бадий жиҳатдан мукамал ишлаш орқали, сўзларнинг поэтик шакли ва моҳиятига алоҳида эътибор қаратганликлари қорақалпоқ дostonлари композициясида ҳам яққол намоён бўлади. Жировларнинг ўзига хос бадий маҳорати айниқса, уларнинг анъанавий мотивлар ва мифик образлардан фойдаланишда ҳар қандай кичик деталларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигида кўзга ёрқин ташланади. Жумладан, отнинг чопиши лавҳасининг ифодаси дostonнинг муסיкий ритмига мос бўлиб, бадий поэтик сатрларда гўзал колорит билан образли тасвирланади. Ушбу мотив «Бўзўғлон» дostonида ҳар хил ўхшатишлар воситасида юксак бадий маҳорат билан қўлланишида намоён бўлади:

Гоҳо қўлда маскани, Сарикбош сувдай сарқиди,  
Оқ булутни макон деб, Куба ўрдакдек қалқиди.<sup>35</sup>

Шунингдек, қорақалпоқ халқ дostonларида қизлар образининг портрети, хусусан, уларнинг кўзи, қоши, юзи, бурни, бели, буйи, ёшини турли ўхшатишлар билан тасвирлаш ҳам анъанавий шаклдаир.

«Қирқ қиз» дostonида: «Алпомиш» дostonида:

Мисоли ўн тўрт кунлик ойдаи, Нор туядек керилган  
Тол чивикдай товланган, Оллоҳнинг берган оёгини,  
Бели тортилган ёйдек.<sup>36</sup> Босарига эринган.<sup>37</sup>

